

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ–ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ DSc.27.06.2017.Qx.42.01. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ–ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

АБДУЛЛАЕВ ИСМОИЛЖОН ИБРАХИМЖОНОВИЧ

**БЕНТОНИТ ЛОЙҚАСИ, МАЪДАН ЎҒИТЛАР МЕЪЁРЛАРИ ҲАМДА
СУҒОРИШ ТАРТИБЛАРИНИНГ КУЗГИ БУҒДОЙ ДОН
ҲОСИЛДОРЛИГИГА ТАЪСИРИНИ БАҲОЛАШ**

06.01.08 – Ўсимликшунослик

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2018

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по сельскохозяйственным наукам**

**Content of the abstract of (PhD) doctoral dissertation of
agricultural sciences**

Абдуллаев Исмоилжон Ибрахимжонович

Бентонит лойқаси, маъдан ўғитлар меъёрлари ҳамда суғориш тартибларининг кузги буғдой дон ҳосилдорлигига таъсирини баҳолаш... 3

Абдуллаев Исмоилжон Ибрахимжонович

Оценка влияния норм бентонитовых глин, минеральных удобрений и режима орошения на урожайность зерна озимой пшеницы 21

Abdullayev Ismoiljon Ibraximjonovich

Evaluation he norms of bentonite clays, mineral fertilizers and irrigation attays on grain yield of winter wheat 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 43

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ–ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ DSc.27.06.2017.Qx.42.01. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ–ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

АБДУЛЛАЕВ ИСМОИЛЖОН ИБРАХИМЖОНОВИЧ

**БЕНТОНИТ ЛОЙҚАСИ, МАЪДАН ЎҒИТЛАР МЕЪЁРЛАРИ ҲАМДА
СУҒОРИШ ТАРТИБЛАРИНИНГ КУЗГИ БУҒДОЙ ДОН
ҲОСИЛДОРЛИГИГА ТАЪСИРИНИ БАҲОЛАШ**

06.01.08 – Ўсимликшунослик

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2018

Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.2.PhD/Qx287 рақами билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий–тадқиқот институтида (ПСУЕАИТИ) бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб–саҳифасининг www.cottonagro.uz ҳамда «ZiyoNet» ахборот–таълим портали www.ziynet.uz манзилига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Абдурахмонов Содиқжон Обидович,
қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди, катта илмий ходим.

Расмий оппонентлар:

Атабаева Ҳалима Назаровна,
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор.

Тошқўзиев Маруф Мансурович,
биология фанлари доктори, профессор.

Етакчи ташкилот:

Ўсимликшунослик илмий–тадқиқот институти.

Диссертация ҳимояси Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий–тадқиқот институти ҳузуридаги DSc. 27.06.2017.Qx.42.01 рақамли Илмий кенгашнинг «_____» _____ 2018 йил соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 111202, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Ботаника М.Ф.Й, ЎзПИТИ кўчаси, ПСУЕАИТИ. Тел: (+99895) 142–22–35; факс: (+99871) 150–61–37; e–mail: g.selek@qsxv.)

Диссертация билан Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий–тадқиқот институтининг Ахборот–ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 111202, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Ботаника М.Ф.Й, ЎзПИТИ кўчаси, ПСУЕАИТИ. Тел: (+99895) 142–22–35; факс: (+99871) 150–61–37;

Диссертация автореферати 2018 йил «_____» _____ куни тарқатилди.
(2018 йил «_____» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси)

Б.М.Халиков,
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
раис ўринбосари, к.х.ф.д., профессор.

Ф.М.Хасанова,
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
илмий котиби, к.х.ф.н., катта илмий ходим.

Д.Х.Ахмедов,
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, б.ф.д.,
профессор.

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда дунёнинг 45 мамлакатида йилига 12 млн. тонна ноанъанавий агрорудалар қазиб олиниб, улардан халқ хўжалигининг турли соҳаларида, жумладан қишлоқ хўжалиги соҳасида кенг миқёсда фойдаланиб келинмоқда¹. Бирлашган миллатлар ташкилоти (БМТ), Озиқ–овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (ФАО)нинг 2017 йил октябр ойидаги маълумотига кўра, дунёда дон маҳсулотларини етиштириш 2017 йилда юқори натижа кўрсатиб, 2,612 миллиард тоннани ташкил этган, бу 2016 йилга нисбатан 6,8 миллион тоннага юқори бўлган². Дунёда кузги буғдой асосий озиқ–овқат экини сифатида 235 млн. гектардан ортиқ майдонга экилиб, пировардида 729,0 млн. тоннадан ортиқ дон етиштирилмоқда.

Дунёдаги буғдой етиштирувчи етакчи мамлакатларда, маъданли ўғитларга қўшимча озиқа сифатида ноанъанавий агрорудаларни ҳар хил тупроқ шароитларида қўллаш меъёрлари ишлаб чиқилган ва илмий асосланган. Ресурстежамкор технология сифатида тупроққа ноанъанавий агрорудаларни қўллаш натижасида, тупроқнинг агрофизик ҳамда агрохимёвий хоссаларининг яхшиланишига, тупроқда биологик жараёнларнинг жадаллашишига, қўлланилган маъданли ўғитларни ўсимликлар томонидан ўзлаштирилиш коэффициентининг ортишига ва натижада дон ҳосилдорлиги ошиши билан бирга сифатининг яхшиланишига эришилган. Таъкидлаш жоизки, кузги буғдойдан юқори ва сифатли дон етиштиришда ноанъанавий агрорудаларни қўллаб, сув ва маъданли ўғит ресурсларини тежаш агротадбирларини ишлаб чиқиш долзарб масалалардан ҳисобланади.

Республикамизда кейинги йилларда ресурстежамкор агротехнологияларни кенг миқёсда жорий этишга катта эътибор қаратилмоқда. Таркибида турли макро ва микроэлементлар мавжуд бўлган ноанъанавий агрорудалардан мақсадли фойдаланиш иқтисодий жиҳатдан самарали ҳисобланади. Республикамизда биргина бентонит лойқалари захирасининг ўзи 2,0 млрд. тоннани ташкил қилади³. Ўзбекистон Республикасининг 2017–2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясида «...қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш соҳасига интенсив усулларни, энг аввало, сув ва ресурсларни тежайдиган замонавий агротехнологияларни қўллаш» муҳим вазифалардан бири сифатида белгиланган. Ушбу вазифаларни ҳисобга олган ҳолда, тупроқ унумдорлигини сақлаш ва ошириш ҳамда ғалла экинидан юқори ва сифатли ҳосил етиштиришда маъданли ўғитлар билан бирга ноанъанавий агрорудаларни қўллаш усулларини илмий асосда ишлаб чиқиш бўйича илмий изланишлар олиб бориш муҳимдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 15 сентябрдаги ПҚ–3281–сонли «2018 йил ҳосили учун қишлоқ хўжалиги экинларини оқилона

¹https://www.indexmundi.com/en/commodities/minerals/clays/clays_t16.html

²<http://www.oilworld.ru/news/wheat/261906>

³ Ноанъанавий агрорудаларни қишлоқ хўжалиги экинларида қўллаш бўйича фермер хўжалиқларига тавсиялар. Тавсиянома. Тошкент-2017.

жойлаштириш чора–тадбирлари ва кишлок хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмлари тўғрисида»ги қарори, 2017 йил 13 декабрдаги ПҚ–3432–сонли «Қишлоқ хўжалигининг мавжуд имкониятларидан янада самарали фойдаланиш, соҳада иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш, илм–фан ютуқлари ва инновацион янгиликларни тизимли жорий этиш ва озик–овқат хавфсизлигини таъминлаш бўйича кечиктириб бўлмайдиган чора–тадбирлар тўғрисида»ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий–ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф–муҳит муҳофазаси» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ноанъанавий агрорудаларни тупроқнинг агрофизик хоссаларига, унумдорлигига ҳамда кишлок хўжалиги тармоқларида етиштирилаётган экинлар ҳосилдорлигига таъсирини ўрганиш борасида республикада бир қатор олимлар, жумладан С.Н.Рыжов, М.Г.Тлявов, Л.Н.Слесарева, А.Джалалов, Д.Алимарданов, Р.Назаров, Е.М.Белоусов, Д.А.Тунгушова, С.О.Абдурахманов, С.М.Болтаев ва бошқалар томонидан илмий изланишлар олиб борилган.

Аммо, Тошкент вилоятининг типик бўз тупроқлари шароитида бентонит лойқасини ҳайдов остига ҳар хил меъёрларда қўлланилганда, кузги буғдойнинг маъданли ўғитлар ҳамда суғориш тартибига бўлган талабини аниқлаш бўйича илмий изланишлар олиб борилмаган.

Диссертация мавзусини диссертация бажарилган илмий–тадқиқот муассасасининг илмий тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий–тадқиқот институти илмий тадқиқот ишлари режасининг ҚХА–8–062–II “Кузги буғдойни янги навларини турли суғориш тартибида суғориб, маъданли ўғитлар ва бентонит лойқаларини биргаликда қўллаш меъёрларини ишлаб чиқиш” (2009–2011 йй.) мавзусидаги илмий–амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади: Тошкент вилоятининг типик бўз тупроқлари шароитида ҳайдов остига бентонит лойқаси қўлланилганда кузги буғдойнинг маъданли ўғитлар меъёри ҳамда сувга бўлган талабини аниқлаш ҳамда буғдойнинг ўсиши, ривожланиши ва дон ҳосилдорлигига ноанъанавий агрорудаларнинг таъсирини баҳолашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

бентонит лойқаси, маъданли ўғитлар меъёрлари ҳамда суғориш тартибларининг тупроқ агрофизик ва агрохимёвий хусусиятларига таъсирини ўрганиш;

бентонит лойқасини қўлланилган меъёрларига боғлиқ ҳолда, кузги буғдойнинг униб чиқишини вариантлар кесимида ҳисобга олиб бориш;

бентонит лойқаси, маъданли ўғитлар меъёрлари ҳамда суғориш тартибларини кузги буғдойнинг ўсиши ва ривожланишига таъсирини аниқлаш; тажриба вариантларини суғориш вақтида сув сарфини ҳисоблаш;

бентонит лойқалари қўлланилганда, кузги буғдойнинг маъданли ўғитларга талабчанлигини аниқлаш;

бентонит лойқалари ва маъданли ўғитларни кузги буғдой ҳосилдорлигига ва доннинг сифат кўрсаткичларига таъсирини аниқлаш;

ғаллачиликда бентонит лойқалари ва маъданли ўғитларни қўллашнинг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти типик бўз тупроқ, кузги буғдойнинг “Москвич” нави, маъданли ўғитлар, Болғали конидаги бентонит лойқаси ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети сифатида кузги буғдойнинг мақбул суғориш тартибига, маъданли ўғитлар меъёрларига бўлган талаби, бентонит лойқасининг самарадорлиги, ўсиши–ривожланиши ва ҳосилдорлиги ҳамда доннинг технологик сифат кўрсаткичларини ўз ичига олади.

Тадқиқот услуги: Дала тажрибаларини жойлаштириш, ҳисоблашлар ва кузатишлар «Методы агрохимических, агрофизических и микробиологических исследований в поливных хлопковых районах», «Дала тажрибаларини ўтказиш услублари» (ЎзПИТИ) услубий қўлланмалари асосида олиб борилган. Олинган натижаларнинг статистик таҳлили Microsoft Excel дастури ва Б.А.Доспехов услубий қўлланмаси ҳамда иқтисодий самарадорлик Н.А.Баранов усули асосида бажарилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор типик бўз тупроқлар шароитида Болғали конидаги бентонит лойқасини қўллаб, сув ва озуқа меъёрларидан самарали фойдаланган ҳолда кузги буғдойдан юқори ва сифатли дон етиштириш агротехнологияси ишлаб чиқилган;

Болғали конидаги бентонит лойқаси, маъданли ўғитлар меъёрлари ҳамда суғориш тартиблари биргаликда қўлланилганда, тупроқнинг агрофизик хоссаларига таъсири аниқланган;

маъданли ўғитларга қўшимча равишда Болғали конидаги бентонит лойқаси қўлланилганда, кузги буғдой кўчатларининг униб чиқиши ва ўсиши-ривожланишига таъсири аниқланган;

кузги буғдойдан юқори ва сифатли дон ҳосили етиштиришда Болғали конидаги бентонит лойқаси ва маъданли ўғитларни қўллаш меъёрлари ҳамда суғориш тартиблари аниқланган, маъданли ўғитларни ҳамда суғоришга сарфланган сувни тежаш имконияти яратилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

кузги буғдойни экиш олдидан хайдов остига 3000 кг/га миқдорида бентонит лойқаси қўлланилиб, амал даври давомида суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 60–70–60% тартибда суғорилганда, амал даври охирига бориб, тупроқнинг 0–30 см. қатламида ҳажм оғирлиги 0,05 г/см³ га камайиб, тупроқнинг сув ўтказувчанлиги 27 м³/га ортган бўлса, суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 70–80–70% тартибда суғорилганда,

тупроқнинг 0–30 см. қатламида $0,07 \text{ г/см}^3$ га зичланиш кам бўлиб, тупроқнинг сув ўтказувчанлиги $100 \text{ м}^3/\text{га}$ юқори бўлганлиги аниқланган.

бентонит лойқасини ҳайдов остига 3000 кг/га миқдорида қўллаб, суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 60–70–60% тартибда суғорилганда, мавсумий суғориш меъёри $2540 \text{ м}^3/\text{га}$ ни ташкил этиб, $810 \text{ м}^3/\text{га}$, суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 70–80–70% суғориш тартибда суғорилганда, мавсумий суғориш меъёри $3500 \text{ м}^3/\text{га}$ тенг бўлиб, $790 \text{ м}^3/\text{га}$ сув тежаб қолинганлиги аниқланган.

маъданли ўғитларнинг $\text{N}_{150}\text{P}_{105}\text{K}_{75}$ кг/га меъёрларига қўшимча равишда ҳайдов остига 3000 кг/га миқдорида Болғали конидаги бентонит лойқаси қўлланилиб, суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 60–70–60% суғориш тартибда суғорилганда $8,5 \text{ ц/га}$, суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 70–80–70% тартибда суғорилганда $7,9 \text{ ц/га}$ қўшимча дон ҳосили олиниб, маъдан ўғитларнинг йиллик меъёрини 25 фоизга камайтириш имконини берганлиги аниқланган.

суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 60–70–60% бўлганда суғорилиб, маъданли ўғитларнинг $\text{N}_{150}\text{P}_{105}\text{K}_{75}$ кг/га меъёрларига қўшимча равишда ҳайдов остига 3000 кг/га миқдорида бентонит лойқаси қўлланилганда, шартли соф фойда $638,8$ минг сўмни, рентабеллик даражаси 38,3 фоизни, суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 70–80–70% тартибда суғорилганда шартли соф фойда $673,6$ минг сўмни, рентабеллик даражаси 39,3 фоизга тенг бўлганлиги аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг аниқлик доираси уларни математик–статистик ишловдан ўтказилганлиги ҳамда олинган назарий натижаларни амалий маълумотларда тасдиқланганлиги, кузатилган қонуниятлар ва олинган хулосаларнинг мослиги, тажриба натижаларини маҳаллий ва чет эл илмий тадқиқотлари билан таққосланганлиги, олинган маълумотлар мутахассислар томонидан ижобий баҳоланганлиги ва тадқиқот натижалари ишлаб чиқариш шароитида кенг жорий этилганлиги, Республика ва Халқаро илмий конференцияларда маърузалар қилинганлиги, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси томонидан тавсия этилган илмий нашрларда чоп этилганлиги натижаларнинг ишончлилигини кўрсатади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Илк бор Тошкент вилоятининг типик бўз тупроқлари шароитида кузги буғдой парваришида маъданли ўғитларга қўшимча равишда ноанъанавий агрорудалардан Болғали конидаги бентонит лойқасини қўллашнинг самарадорлиги илмий асосланган. Бентонит лойқасини қўллаш натижасида тупроқнинг агрофизик, агрохимёвий, хоссаларига ҳамда кузги буғдойнинг ўсиши ва ривожланишига ижобий таъсир этиб, маъданли ўғитлар меъёрини 25 фоизга, суғоришга сарфланадиган сув меъёрини эса $920\text{--}1000 \text{ м}^3/\text{га}$ иқтисод қилиниши ҳамда кузги буғдой ҳосилдорлиги ва сифати ортиши билан исботланган.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти, Болғали конидаги бентонит лойқасини маъданли ўғитларга қўшимча равишда ҳайдов остига 3000–4500 кг/га миқдорда қўллаш тупроқ унумдорлигининг сақланишига, агрофизик хусусиятларининг яхшиланишига хизмат қилиб, натижада кузги буғдойдан юқори ва сифатли дон ҳосили олиш билан бирга, иқтисодий рентабелликнинг 38,3–39,3 фоизга юқори бўлганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Кузги буғдойни етиштиришда бентонит лойқасини қўллаш агротехнологиясини ишлаб чиқиш бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари асосида:

ғаллачиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари учун «Ноанъанавий агрорудаларни қишлоқ хўжалиги экинларида қўллаш бўйича фермер хўжаликларига тавсиялар» ишлаб чиқилган ва тасдиқланган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 2 майдаги 01/021-72-сон маълумотномаси). Натижада ғаллачиликка ихтисослашган фермер хўжаликларида кузги буғдойдан юқори ва сифатли дон ҳосили етиштиришда қўлланма сифатида хизмат қилган;

Болғали конидаги бентонит лойқасини ҳайдов остига ҳар хил меъёрларда қўллаш технологияси Тошкент вилоятининг Қибрай тумани фермер хўжаликларида жами 113,5 гектар майдонга жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 2 майдаги 01/021-72-сон маълумотномаси). Бунинг натижасида анъанавий усулда етиштирилган кузги буғдой майдонларига нисбатан гектаридан 10,5-12,8 центнер қўшимча дон ҳосили олинган, рентабеллик даражаси 18,6-22,4 фоизни ташкил этган;

типик бўз тупроқларнинг унумдорлигини сақлаш ва ошириш мақсадида Болғали конидаги бентонит лойқасини кузги буғдой етиштиришда шудгордан олдин қўллаш технологияси ғаллачилик фермер хўжаликларида жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 2 майдаги 01/021-72-сон маълумотномаси). Бунинг натижасида Болғали конидаги бентонит лойқасини қўллаш натижасида кузги буғдой етиштириш учун сарфланаётган маъданли ўғитларни N-50, P₂O₅-35, K₂O-25 кг/га ва суғоришга сарфланаётган сув меъёрини 850-920 м³/га тежаш имконияти яратилган.

Тадқиқот натижаларини апробацияси. Дала ва лаборатория шароитида олиб борилган тажрибалар ҳар йили ЎзҚХИИЧМ ва ПСУЕАИТИ томонидан тузилган махсус апробация комиссияси аъзолари кўригидан ўтказилиб, ижобий баҳоланган. Илмий тадқиқот натижалари бўйича ёзилган ҳисоботлар ҳар йили ПСУЕАИТИнинг Илмий кенгашида муҳокама қилинган. Диссертация ишининг асосий илмий натижалари Республика ва халқаро илмий–амалий конференцияларда маъруза қилинган.

Натижаларнинг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 10 та илмий мақола чоп этилган, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестацияси комиссиясининг докторлик диссертациялари илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан, 4 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда чоп этилган. Шунингдек 1 та тавсиянома чоп этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация кириш, олти боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган. Тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объект ҳамда предметлари тавсифланган, Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияси тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг усуллари, тадқиқотнинг илмий янгилиги, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, апробацияда ижобий баҳолангани, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Ноанъанавий агрорудалар, маъданли ўғитлар меъёрлари ҳамда суғориш тартибларини қишлоқ хўжалиги экинларининг ўсиши ва ривожланишидаги аҳамияти**» деб номланган биринчи бобида мавзу бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари, хорижий ва маҳаллий адабиётлар таҳлили батафсил ёритилган. Шунингдек, тадқиқотлар мақсадидан келиб чиқиб, кузги буғдой етиштиришда ноанъанавий агрорудалар ҳамда маъданли ўғитларнинг аҳамияти, дон етиштиришда табиий озика унсурлардан фойдаланиш ва маъданли ўғитларни тежаш борасида маҳаллий ва хорижий олимлар томонидан амалга оширилган тадқиқотлар натижалари келтирилган. Адабиётлар таҳлилининг сўнггида кузги буғдой етиштиришда ресурстежамкор агротехнологиялардан фойдаланиб, тупроқ унумдорлигини сақлаш ҳамда экинларни парваришlash ва юқори ҳосил олишда иқтисодий жиҳатдан самарали агротехнологияларни ишлаб чиқиш ва Республика фермер хўжаликларида жорий қилиш зарурияти бўйича хулоса баён қилинган.

Диссертациянинг «**Тадқиқот ўтказиш шароитлари ва услублари**» деб номланган иккинчи бобида тажриба ўтказилган минтақанинг географик ўрни, тадқиқотлар ўтказилган ҳудуднинг тупроқ–иқлим шароитлари ва тадқиқот ўтказиш услублари, шунингдек тадқиқотда қўлланилган агротехник тадбирлар келтирилган.

Тошкент вилоятининг тупроғи қадимдан суғориб келинган, маданийлашган типик бўз, механик таркиби ўртача ва оғир тупроқдан иборат бўлиб, юқори карбонатли. Тупроқнинг 0–30 см. қатламида гумус миқдори 0,8–1,2 фоизни, умумий азот 0,08–0,1 фоизни, фосфор 0,2–0,3 фоизни ташкил этиб, ҳайдалма қатлами остидаги жинси кучли аллювиал, лойқа чўкиндилардан иборат. Сизот сувлари 18–20 метр чуқурликда жойлашган.

Дала тажрибалари 2008-2012 йиллари ПСУЕАИТИнинг тажриба далаларида ўтказилиб, илмий тадқиқотлар «Методы агрохимических, агрофизических и микробиологических исследований в поливных хлопковых районах» (1963), «Дала тажрибаларини ўтказиш услублари» (2007) услубий қўлланмаларидан фойдаланган ҳолда олиб борилган. Тажрибалардан олинган

маълумотларга статистик ишлов бериш Б.Доспехов (1985)нинг услубий қўлланмаси бўйича дисперсион таҳлил асосида ҳисоблаб чиқарилганлиги баён қилинган.

Агрокимёвий таҳлилларни олиб боришда 0,5 метргача тупроқ намуналари олиниб, гумус миқдори И. В. Тюрин, азот ва фосфорнинг умумий миқдорлари А. Ф. Гриценко, И. М. Мальцева, нитратли азот миқдори Грандвальд–Ляжу, ҳаракатчан фосфор миқдори Б. П. Мачигин, алмашинувчи калий миқдори П. В. Протасов, тупроқнинг ҳажм оғирлиги (Н.А.Качинский цилиндр усулида аниқланган).

Тажриба иккита тизимда олиб борилиб, ҳар бир тизим 16 та вариант 3 такрорланишда бир ярусда жойлаштирилган. Тажрибада эгатлар кенглиги 60 см, эгат узунлиги 100 м. Тажрибада кузги буғдойнинг “Москвич” нави экилган. Ҳар бир бўлакчалар майдони 480 м², ҳисобга олинадиган майдон 240 м². Тажрибаларнинг умумий майдони 2,5 гектар.

Тажриба тизимларида икки хил суғориш тартиби (суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 60–70–60 ва 70–80–70%), икки хил маъданли ўғитлар меъёрлари (N₂₀₀P₁₄₀K₁₀₀ ва N₁₅₀P₁₀₅K₇₅ кг/га) ҳамда бентонит лойқасининг уч хил (1500–3000–4500 кг/га) меъёрлари қўлланилиб, кузги буғдойнинг ўсиши–ривожланиши ва дон ҳосилдорлигига бўлган таъсири 3 йил давомида ўрганилган (2008–2012 йиллар).

Тажриба даласининг (I тажриба) агрокимёвий хусусиятлари амал даври бошида, ўртасида ҳамда охирида аниқлаб борилган. Амал даври бошида (2008–йил) беш нуқтада тупроқнинг 0–30 ва 30–50 см қатламларидан тупроқ намуналари олиниб таҳлил қилинганда чиринди миқдори қатламларга мос равишда 0,897–0,782%, умумий азот 0,090–0,068%, фосфор миқдори 0,096–0,063%, ҳаракатчан шакллари N–NO₃ – 3,273–2,924 мг/кг, P₂O₅ – 21,62–18,32 мг/кг ва K₂O – 170–132 мг/кг ни ташкил этиб, тажриба дала тупроғи озика унсурлар билан кам даражада таъминланганлиги қайд этилган.

Тажриба далаларнинг (II тажриба) агрокимёвий хусусиятлари амал даври бошида, ўртасида ҳамда охирида аниқлаб борилди. Ҳар йили тажриба даласи танланганидан сўнг вариантлар жойлаштиришдан олдин беш нуқтада тупроқнинг 0–30 ҳамда 30–50 см қатламларидан тупроқ намуналари олиниб, даланинг дастлабки агрокимёвий хусусиятлари аниқланган.

Тажриба далаларнинг йиллар (2009–2011 йй.) кесимида дастлабки агрокимёвий хусусиятларини таҳлил қиладиган бўлсак, тупроқнинг 0–30 см қатламида чиринди миқдори 0,900–0,910–0,938%, умумий шаклдаги азот 0,091–0,102–0,103%, фосфор 0,124–0,132–0,125%, ҳаракатчан шаклдаги нитрат 3,92–4,75–4,69 мг/кг, фосфор 34,5–28,8–34,3 мг/кг ва калий 215–200–214 мг/кг ни ташкил этган бўлса, тупроқнинг 30–50 см қатламида чиринди миқдори 0,677–0,853–0,783%, умумий шаклдаги азот 0,070–0,085–0,099%, фосфор 0,089–0,098–0,104%, ҳаракатчан шаклдаги нитрат 3,10–3,56–3,87 мг/кг, фосфор 25,8–27,0–32,5 мг/кг ҳамда калий 165–185–168 мг/кг ни кўрсатиб, тажриба далалари озика унсурлари билан ўрта даражада таъминланганлиги аниқланган.

Тажрибада ўсимликларнинг ўсиши ва ривожланишини кузатиб бориш ишлари қабул қилинган услубномалар асосида олиб борилиб, ҳисоб – китоблар қилинган. Ўтказилган барча агротехник тадбирлар жорий этилган тавсиялар асосида олиб борилган.

Диссертациянинг «**Бентонит лойқаси ва маъданли ўғитлар меъёрлари ҳамда суғориш тартибларининг, кузги буғдой ўсиши, ривожланиши ва дон ҳосилдорлигига таъсири**» деб номланган учинчи бобида, I тажриба тизими бўйича тадқиқотлар ўтказилган барча йилларда бентонит лойқаси ва маъданли ўғитлар меъёрлари ҳамда суғориш тартибларини тупроқнинг агрофизик хоссалари, суғориш олди тупроқ намлиги, суғориш меъёрлари, кузги буғдой уруғларини униб чиқиши ва кўчат қалинлиги, кузги буғдойнинг ривожланиш давлари, даланинг бегона ўтлар билан ифлосланиш даражаси, кузги буғдойнинг бўйи, умумий ва маҳсулдор поялар сони, кузги буғдой бошоғининг биометрик кўрсаткичлари, кузги буғдойнинг дон ва сомон ҳосилдорли ҳамда доннинг сифат кўрсаткичларига таъсири баён қилинган.

Даланинг агрофизик хусусиятлари (I тажриба) амал даври бошида ва охирида ўрганиб борилган. Тажриба бошида (2008 йил) беш нуктада тупроқнинг ҳажм оғирлиги аниқланганда 0–30 см қатламда ўртача 1,35 г/см³ ни, 30–50 см қатламда 1,40 г/см³ ни, тупроқнинг сув ўтказувчанлиги 6 соатда ўртача 870 м³/га ни кўрсатиб, тажриба дала тупроғи ўртача зичлашган (энг яхши)лиги аниқланган.

Тажриба охирига (2011 й.) бориб, тупроқнинг агрофизик хусусиятлари вариантлар кесимида аниқлаб чиқилган. Олинган маълумотларга кўра, маъданли ўғитларнинг N₁₅₀P₁₀₅K₇₅ кг/га меъёрларига кўшимча равишда уч йилда бир маротаба ҳайдов остига 3000–4500 кг/га миқдорида бентонит лойқаси қўлланилиб, суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 60–70–60% тартибда суғорилганида, тупроқнинг ҳажм оғирлиги 0–30 см қатламида 1,35–1,33 г/см³, 30–50 см қатламда 1,36 г/см³ ни кўрсатиб, назорат вариантыга нисбатан тупроқнинг ҳажм оғирлиги 0–30 см қатламида 0,03–0,05 г/см³, 30–50 см қатламида эса 0,11 г/см³ га ошганлиги аниқланган. Тупроқнинг сув ўтказувчанлиги аниқланганида 6 соатда ўртача 890 м³/га тенг бўлиб, назорат вариантыга нисбатан 30 м³/га юқори бўлганлиги қайд этилган.

Суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 70–80–70 тартибда суғорилиб, маъданли ўғитларнинг N₁₅₀P₁₀₅K₇₅ кг/га меъёрларига кўшимча равишда уч йилда бир маротаба ҳайдов остига 3000–4500 кг/га миқдорида бентонит лойқаси қўлланилган вариантларда, тупроқнинг 0–30 см қатламида ҳажм оғирлиги ўртача 1,37–1,36 г/см³ ни, 30–50 см қатламда 1,45–1,42 г/см³ ни ташкил этиб, назорат вариантыга нисбатан тупроқнинг ҳажм оғирлиги 0–30 см қатламда 0,07–0,08 г/см³, 30–50 см қатламда 0,04–0,07 г/см³ га камайганлиги кузатилган. Ушбу вариантларда тупроқнинг сув ўтказувчанлиги аниқланганида эса 6 соатда ўртача 865–862 м³/га ни кўрсатиб, назорат вариантыга нисбатан 97 дан 100 м³/га гача ортганлиги аниқланган.

Тажриба вариантларида тупроқ намлигига боғлиқ ҳолда суғориш ишлари олиб борилган бўлиб, суғориш вақтида остонаси 50 см. ва 25 см. кенгликка эга

бўлган Чипполетти сув ўлчагичи ёрдамида суғоришга сарфланган сув миқдори аниқлаб борилган.

Жумладан, (2009–2010 йй.) суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 60–70–60% тартибда суғорилиб, маъданли ўғитларнинг $N_{150}P_{105}K_{75}$ кг/га меъёрларига кўшимча равишда уч йилда бир маротаба ҳайдов остига 3000–4500 кг/га миқдорида бентонит лойқаси солинган вариантларда мавсум давомида суғоришга жами 2540–2500 м³/га сув сарфланган ҳолда, назорат вариантыга нисбатан 810–850 м³/га сув тежаб қолинганлиги қайд этилган.

Суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 70–80–70% бўлганда суғорилиб, маъданли ўғитларнинг $N_{150}P_{105}K_{75}$ кг/га меъёрларига кўшимча равишда уч йилда бир маротаба ҳайдов остига 3000–4500 кг/га миқдорида бентонит лойқаси қўлланилган вариантларда мавсумий суғориш меъёри 3500–3400 м³/га ни ташкил этиб, назорат вариантыга нисбатан сув сарфи 790–890 м³/га иқтисод қолинганлиги аниқланган.

Тажрибада (2009–2010 йй.) кўчат қалинлиги вариантлар кесимида аниқланганида, суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 60–70–60% тартибда суғорилиб, маъданли ўғитларнинг $N_{150}P_{105}K_{75}$ кг/га меъёрларига кўшимча равишда уч йилда бир маротаба ҳайдов остига 3000–4500 кг/га миқдорида бентонит лойқаси солинган вариантларда, униб чиққан кўчатлар сони 280–296 м²/донани, амал даври мобайнида нобуд бўлган кўчатлар 13,6–12,8 фоизни, амал даври охирида ҳақиқий кўчат қалинлиги 242–258 м²/донани ташкил этганлиги кузатилди. Ушу вариантларда назорат вариантыга нисбатан униб чиққан кўчатлар сони 28–44 м²/донага, амал даври охирида ҳақиқий кўчат қалинлиги 33–49 м²/донага юқори эканлиги аниқланиб, амал даври давомида кўчатларнинг нобуд бўлиши 3,5–4,3 фоизга кам бўлганлиги қайд этилган.

Суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 70–80–70% бўлганда суғорилиб, маъданли ўғитларнинг $N_{150}P_{105}K_{75}$ кг/га меъёрларига кўшимча равишда уч йилда бир маротаба ҳайдов остига 3000–4500 кг/га миқдорида бентонит лойқаси қўлланилган вариантлар ўрганилганида, униб чиққан кўчатлар сони 297–312 м²/донани, вегетация даврида нобуд бўлган кўчатлар 10,8–10,3 фоизни, амал даври охирида ҳақиқий кўчат қалинлиги 265–280 м²/донани ташкил этган. Шу билан бирга, назорат вариантыга нисбатан униб чиққан кўчатлар сони 36–51 м²/донага, вегетация охирида ҳақиқий кўчат қалинлиги 46–61 м²/донага юқори бўлиб, вегетация даврида кўчатлар 5,3–5,8 фоизга кам нобуд бўлганлиги аниқланган.


Амал даври охирига бориб, кузги буғдойнинг бўйи, умумий ва маҳсулдор поялар сони аниқланганда, юқоридаги қонуниятлар ўз исботини топганлиги кузатилган. Яъни, суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 60–70–60% тартибда суғорилиб, маъданли ўғитларнинг $N_{150}P_{105}K_{75}$ кг/га меъёрларига кўшимча равишда уч йилда бир маротаба ҳайдов остига 3000–4500 кг/га миқдорида бентонит лойқаси қўлланилган вариантларда ўсимликнинг бўйи 84,0–90,8 см, умумий поялар сони 4,443–4,532 млн/га, маҳсулдор поялар сони 4,007–4,080 млн/га тенг бўлганлиги аниқланган. Ушбу вариантларда назорат

вариантига нисбатан ўсимликнинг бўйи 4,3–11,1 см. га, умумий поялар сони 0,994–1,083 млн/га, маҳсулдор поялар сони 1,003–1,076 млн/га юқори бўлганлиги аниқланган.

Суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 70–80–70% тартибда суғорилиб, маъданли ўғитларнинг $N_{150}P_{105}K_{75}$ кг/га меъёрларига қўшимча равишда уч йилда бир маротаба ҳайдов остига 3000–4500 кг/га миқдорида бентонит лойқаси қўлланилган вариантларда амал даври охирига бориб, кузги буғдойнинг бўйи 91,1–93,5 см, умумий поялар сони 4,557–4,872 млн/га, маҳсулдор поялар сони 4,155–4,445 млн/га эканлиги қайд этилган. Шу билан бирга назорат вариантыга нисбатан ўсимликнинг бўйи 8,2–10,6 см. га, умумий поялар сони 608,0–923,0 минг/га, маҳсулдор поялар сони 0,796–1,086 млн/га юқори бўлганлиги кузатишган.

Кузги буғдойнинг дон ва сомон ҳосилдорлиги вариантлар кесимида аниқланб чиқилган. Бунга кўра, маъданли ўғитларнинг $N_{150}P_{105}K_{75}$ кг/га меъёрларига қўшимча равишда уч йилда бир маротаба ҳайдов остига 3000–4500 кг/га миқдорида бентонит лойқаси қўлланилиб, суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 60–70–60% тартибда суғорилган вариантлардан уч йилда ўртача 54,9–56,2 ц/га дон ва 67,5–68,8 ц/га сомон ҳосили олинган холда назорат вариантыга нисбатан қўшимча 13,4–14,7 ц/га дон ва 18,9–20,2 ц/га сомон ҳосили олишга эришилган.

Суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 70–80–70% тартибда суғорилган вариантлардан уч йилда ўртача 56,8–58,5 ц/га дон ва 69,6–72,0 ц/га сомон ҳосили олиниб, назорат вариантыга нисбатан дон ҳосили 11,9–13,6 ц/га ва сомон ҳосили 16,1–18,5 ц/га юқори бўлганлиги қайд этилган.



1–расм. Бентонит лойқаси, маъданли ўғитлар меъёри ҳамда суғориш тартибларини кузги буғдойнинг кўчат қалинлиги, умумий ва маҳсулдор поялар сони ҳамда дон ва сомон ҳосилдорлигига таъсири

Тажриба вариантларидан йиғиб олинган донларнинг сифат кўрсаткичлари таҳлил қилинганда, маъданли ўғитларнинг $N_{150}P_{105}K_{75}$ кг/га меъёрларига қўшимча равишда уч йилда бир маротаба ҳайдов остига 3000–4500 кг/га миқдорида бентонит лойқаси қўлланилиб, суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 60–70–60% тартибда суғорилганда дон таркибида оксил миқдори

14,5–14,7 фоизга, клейковина миқдори 27,9–28,3 фоизга тенг бўлган холда назорат вариантыга нисбатан оксил 0,5–0,7%, клейковина 1,0–1,4% юқори бўлганлиги аниқланган.

Суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 70–80–70% тартибда суғорилганда, оксил миқдори 13,9–14,1 фоизни, клейковина миқдори 26,7–27,1 фоизни ташкил этиб, назорат вариантыга нисбатан дон таркибида оксил 0,9–1,1 фоизга, клейковина 1,2–1,6 фоизга юқори бўлганлиги кузатилган.

Диссертациянинг «**Бентонит лойқасини ҳар йили экиш олдида хайдов остига қўллашнинг кузги буғдойдаги самарадорлиги**» деб номланган тўртинчи бобида, II тажриба тизими бўйича хайдов остига ҳар йили ҳар хил меъёрларида бентонит лойқаси қўлланилганда, кузги буғдойнинг маъданли ўғитлар меъёрларига ҳамда суғориш тартибларига бўлган талабини аниқлаш бўйича тадқиқотлар ўтказилган барча йилларда, бентонит лойқаси ва маъданли ўғитлар меъёрлари ҳамда суғориш тартибларини тупроқнинг агрофизик хоссалари, суғориш олди тупроқ намли, суғориш меъёрлари, кузги буғдой уруғларининг униб чиқиши ва кўчат қалинлиги, кузги буғдойнинг ривожланиш даврлари, кузги буғдойнинг бўйи, умумий ва маҳсулдор поялар сони, кузги буғдой бошоғининг биометрик кўрсаткичлари, кузги буғдойнинг дон ва сомон ҳосилдорлиги ҳамда доннинг сифат кўрсаткичларига таъсири келтирилган.

Тажриба вариантларини жойлаштиришдан олдин (2009, 2010, 2011 йй.) ҳар йили амал даври бошида ва охирида тупроқнинг агрофизик хусусиятларини аниқлаш мақсадида, даланинг беш нуктасидан тупроқ намуналари олиниб, таҳлил қилиб борилган. Амал бошида тупроқнинг ҳажм оғирлиги таҳлил қилинганда, тупроқнинг 0–30 см қатламида йиллар бўйича ўртача 1,34–1,33–1,35 г/см³ ни, 30–50 см қатламида эса 1,41–1,38–1,40 г/см³ ни кўрсатган бўлса, тупроқнинг сув ўтказувчанлиги 6 соатда ўртача 824–850–832 м³/га тенг бўлиб, далаларнинг агрофизик хусусиятлари бўйича бир–бирига яқин эканлиги кузатилган холда, тупроқлари ўртача зичлашган (энг яхши) ва сув ўтказувчанлиги жуда юқори эканлиги аниқланган.

Амал даври охирига (2010 й.) бориб, тупроқнинг агрофизик хусусиятлари вариантлар кесимида ўрганиб чиқилган. Бунга кўра, суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 60–70–60% тартибда суғорилиб, маъданли ўғитларнинг N₁₅₀P₁₀₅K₇₅ кг/га меъёрларига қўшимча равишда ҳар йили хайдов остига 3000–4500 кг/га миқдорида бентонит лойқаси қўлланилган вариантларда тупроқнинг ҳажм оғирлиги назорат вариантыга нисбатан 0–30 см қатламида 0,05–0,07 г/см³, 30–50 см қатламида 0,01–0,03 г/см³ га камайиши билан бирга тупроқнинг сув ўтказувчанлиги гектарига 27–32 м³ га юқори бўлганлиги аниқланган.

Суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 70–80–70% тартибда суғорилиб, маъданли ўғитларнинг N₁₅₀P₁₀₅K₇₅ кг/га меъёрларига қўшимча равишда ҳар йили хайдов остига 3000–4500 кг/га миқдорида бентонит лойқаси қўлланилган вариантларда назорат вариантыга нисбатан тупроқнинг ҳажм оғирлиги 0–30 см қатламида ўртача 0,07 г/см³, 30–50 см қатламда 0,06–0,05

г/см³ га кам зичланган холда тупроқнинг сув ўтказувчанлиги гектарига 38–42 м³ га юқори бўлганлиги қайд этилган.


Тажрибада (2010 й) кузги буғдойнинг тупроқ намлигига боғлиқ ҳолда суғориш ишлари олиб борилган. Бунда маъданли ўғитларнинг N₁₅₀P₁₀₅K₇₅ кг/га меъёрига қўшимча равишда ҳар йили ҳайдов остига 3000–4500 кг/га миқдорида бентонит лойқаси солинган ва суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 60–70–60% тартибда суғорилган вариантларга мавсум давомида жами 2750–2710 м³/га сув сарфланиб, назорат вариантыга нисбатан 960–1000 м³/га сув тежаб қолинганлиги аниқланган. Бентонит лойқаси ҳамда маъданли ўғитларнинг юқоридаги меъёрлари берилган холда суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 70–80–70% тартибда суғорилган вариантларга мавсум давомида жами 3470–3410 м³/га сув берилиб, назорат вариантыга нисбатан 740–800 м³/га сув иқтисод қилинганлиги кузатилган.

